

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



IMOM BUXORIY SABOQLARI



1/2023

Шовосил ЗИЁДОВ. Илму маърифатда етукликка эришган алоҳида бир цивилизация.....5

Зохиджон ИСЛОМОВ. Қадимият обидаларининг мохир кашшофи (тарих фанлари доктори, профессор М.Исҳоқов 80 ёшда).....11

Отабек МУҲАММАДИЕВ. Мовароуннахр худудида ҳадис илми ривож (Бухоро ва Самарқанд).....14

АЖДОДЛАР ИЛМӢЙ МЕРОСИ

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ. Мулла Муҳаммад Асака домла.....21

Шамшадин КЕРИМ, Али АЛЬМУХАМЕТОВ. Наследие Абу Насра Мубашшира ат-Тарази.....24

Давронбек ҚОДИРОВ. Абулқосим Қушайрийнинг илмий-фалсафий мероси.....27

Зарифжон АРСЛОНОВ. Научное наследие Алихантуры Сағуни.....31

Насиба ИБОДОВА. Абу Райҳон Беруний ижоди таҳлили.....34

НОДИР МАНБАЛАР

Муҳаббатхон АГЗАМОВА. “Тарих ар Русул вал мулук” таржималарининг аҳамияти.....38

Нигора ХАКИМОВА. Абу Бакр Қафқол Шоший ҳаёти ва илмий фаолиятининг тарихий манбаларда акс этиши.....42

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Шокир ҒАФФОРОВ. Темурийлар даври таълим тизимида мадрасалар фаолияти.....47

Ойбек КЛИЧЕВ. Туркистон генерал-губернаторлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги элчилик алоқаларининг “Таржимон” газетасида ёритилиши.....52

Bobur MELIQULOV, Muhammadali TOXIROV. Mustaqillikka erishish arafasida O'zbekistonda millatlararo munosabatlardagi muammolar.....55

Aziza ABDUXALILOVA. XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlari Xiva xonligi soliq tizimida zakot.....59

Бобир ТУГАЛОВ. Қадимги Уструшона худудида катакомба қабрларининг ўрганилиши.....62

Дилмурод ҚУЛМАТОВ. Мустақиллик йилларида Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркибини ўрганилиши тарихи.....65

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Миродил ҲАЙДАРОВ. Тўрт фикҳий мазҳабга эргашиш тарихи ва зарурати.....69

Дилфуза САГДУЛЛАЕВА. «Қисаси Рабғузий» асаридаги арабча дуоларни матнга киритиш усуллари.....74

Нилуфар ТҲҲЧИЕВА. Тасаввуфда латоиф тушунчасининг моҳияти.....80

Маҳфузахон ЖАЛОЛДИНОВА. Ижтимоий ҳимоя маъносида келган атамалар ва уларнинг ислом ҳуқуқи жиҳатидан талқини.....84

ИЖТИМОӢЙ ИНСТИТУТ

Шерохон ХАШИМОВ. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтиришда миллий туризмнинг ўрни.....87

Maftuna ABBASOVA, Husnarobonu MALLAYEVA. Oila farovonligini ta'minlashda ijtimoiy soha vakillarining o'rni.....90

А.Э.ЕСИМОВА. Религиозные верования кочевой цивилизации.....92

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Шавкат ТҲРАЕВ. Виртуал оламдаги манкуртлик.....97

Соатмурод ПРИМОВ. Мантиқ илмини ўрганиш масаласи.....101

Матлуба ЭГАМБЕРГАНОВА. Этник идентиклик тушунчаси билан боғлиқ илмий-услубий ёндашувлар.....104

Javlon QUHQOROV. Ijtimoiy taraqqiyot va falsafiy tasavvurlar dialektikasi.....107

Matluba SADULLAYEVA. Philosophy of numbers in sufi and eastern classical literature.....109

Актам АВЛАКУЛОВ. “Техноген цивилизация” ҳақидаги қарашлар эволюцияси.....113

Сарвар НИШОНОВ. Ўрта аср шарқ мутафаккирлари ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимининг назарий-методологик асослари.....117

ТАСАВВУФДА ЛАТОИФ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ

Аннотация: Тасаввуфда инсон руҳияти бешта элементни ўз ичига олади. Бу беш туйғу (латоифи хамса/латоифи руҳония) инсоннинг тана аъзоларида жойлашган. Ҳар бирининг ўзига хос вазифаси мавжуд. Мазкур мақолада суфийларнинг латоиф илмига оид қарашлари кўриб чиқилган. **Таянч сўзлар:** Тасаввуф, тариқат, атамалар, латиблик, руҳ.

Annotation: The human being is stated, in Sufi presentation to contain five elements of the absolute. These five subtleties (Lataif-i Khamsa/ lataif-i rouhiyya) are located in the body. Each has its own function. In this our work, we have studied opinions of sufis related to lataif-i rouhaniya with mainlines. **Key Words:** Sufism, order, terminology, subtleties, spirit.

Аннотация: В суфизме человеческая психика содержит пять элементов. Эти пять чувств (латоифи хамса/латоифи руҳония) расположены в частях человеческого тела. У каждого своя функция. В данной статье рассматриваются взгляды суфиев на науку о латоифи. **Ключевые слова:** Суфизм, термины, тонкость, дух.

Тасаввуфда “латоиф” инсоннинг руҳий сезги аъзолари ҳисобланади. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмайдиган латиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги нарса. У шундай нозикки, уни илғаб олиш ҳам мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу «латиф» марказларнинг аҳамияти катта.

Араб тилида “لطف” сўзи لطيفة нинг кўплиги бўлиб, луғатда “нозик”, “юмшоқ” ва “меҳрибон” деган маъноларни англатади. Тасаввуфдаги латоиф руҳий ёки руҳий аъзоларнинг сезги воситаларидир. Бу сезги аъзоларнинг сони тариқатларда турлича келтирилади. Тасаввуфга оид манбаларда уларнинг сони бешдан еттитагача қайд этилади. Уларнинг сонини бешта деб эътироф этувчи сўфийлар бу латоифларни қалб, сир, руҳ, хафий ва ахфадан иборат деб ҳисоблайди. Латоиф олти та эканини даъво қилувчилар эса уларнинг сонига “нафс”ни ҳам қўшганлар. Еттита эканига ишора қилувчилар эса бу сезги аъзоларини англаш ва ривожлантиришда устознинг кўмаги ва кўрсатмалари зарур бўлишини ҳам таъкидлагани ҳолда унга “султон” (донишмандлик) номини берган.

Латоиф умумий концепцияси классик тасаввуф вакиллари Жунайд Бағдодий (835-910), Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058-1111), Шаҳобиддин Сухравардий (1145-1234) фаолияти давомида кузатилган. Илк маротаба ушбу назарияни шакллантирган олимлар қаторида Нажмиддин Розӣ (1177-1256) номи зикр қилинади. У инсон руҳиятидаги беш латоифни Қуръонга таянган ҳолда зикр қилади. Ундан кейин кубровий

суфийларидан Алоуддавла Симноний (1261-1336) ушбу назарияга яна иккита латоифни қўшган. Аммо вақт ўтгандан сўнг кўплаб суфийлар ўз амалий фаолияти давомида руҳий латоиф нуқталарининг бешта эканини тасдиқлаган.

Тасаввуфда қўлланиладиган “латиф” сўзи асмоул ҳуснадан олинган бўлиб, Яратгanning исми сифати Қуръони каримда етти ўринда қўлланилган. Анъом сураси, 103-оятда “Кўзлар унга ета олмас. У кўзларга етар! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳ зотдир”.

لَا تَنْرُكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُنْذِرُكَ الْأَبْصَرُ وَهُوَ الْأَطِيفُ الْخَبِيرُ

Сўфийлар Аллоҳ таолонинг мазкур сифатини ўзлари учун намуна қилиб олди. Шу ерда суфийлар халқ ва амир олами тушунчасини ҳам латоиф билан боғлайди. Шунингдек, улар Аъроф сурасининг 54 оятини қуйидагича талқин қилади: “Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Аллоҳ буюкдир”. Ибнул Арабийга кўра коинот икки йўсинда барпо қилинган. Биринчиси амир олами бўлиб, Яратган томонидан бирор нарсага боғланмаган ҳолда “бўл” калимаси билан бунёд бўлган малакут оламидир. Амир оламидан яралганлар — инсоний қалб, Раббоний руҳ, сир, хафи, ахфадир. Иккинчиси, халқ олами бўлиб, бирон нарсага таъсир орқали яратилган шаҳодат оламидир. Халқ оламидан бўлганларга тупроқ, ҳаво, сув, олов ва нафс киради. Буларнинг биринчиси “ботиний сезгилар”, иккинчиси эса “зоҳирий сезгилар” деб номланган [1]. Бундан кўринадики, латоифларнинг энг юксак мартабаси “ахф”ни Яратганга, энг қуйиси бўлган “нафс”ни

эса инсон жисмига боғлиқлиги мавжуд.

Хасан Басрий (ваф. 728) ва ундан кейинги суфийлар босқичма-босқич эгаллаш мумкин бўлган рухий мартабаларни латоиф деб атади. Уларнинг фикрига кўра, тасаввуф бир ҳаракат бўлиб, унинг ҳар босқичида руҳ янги мартабага кўтарилади. Ҳар мартаба бир парда билан тўсилган бўлиб, навбати билан очилиб боради. Инсон нафс, қалб, руҳ ва сир мартабаларини эгаллаб боради. Бу ҳолатга суфийлар меърож воқеасини мисол қилиб келтиради [2].

Дастлабки сўфийлардан бўлган Саҳл ат-Тустарий (ваф. 886) қалб ва сирнинг фарқли нарсасини қайд этган. Бундан англаш мумкинки, илк сўфийлар амалий фаолиятида ҳам бу тушунчалар қўлланилган. Ҳаким Термизий (ваф. 932) “Баёнул фарқ байнас садр вал қалб вал фуад вал луб” асарида руҳнинг фарқли ўлчамлари ва унинг ўзига хосликларини кўрсатиб берган. Термизийга кўра, садр, қалб, фуад ва луб бир бутун нарсанинг ичидаги бир-бирига боғлиқ халқалардир [3].

Садр кўзнинг оқи, қалб рангли қисми, фуад қорачиғи, луб эса нурига ўхшатишган. Бу мартабалар ўзлаштирилгач, идрокнинг савияси ҳам ортиб боради. Садр нафси аммора, қалб нафси мулҳима, фуад нафси лаввома, луб нафси мутмаинна билан боғлиқдир.

Имом Ғаззолий (ваф. 1111) қалб, руҳ, нафс, ақл латоифлари ҳақида сўз юритиб, сир, сирри сир, ҳафий ва ахфа ҳақида алоҳида тўхталади. Нақшбандийлик шайхлари наздида олами халқ таҳзиби, олами амр таҳзибидан бир мунча фазилатлидир. Шу боис улар амр олами латоифларини поклашни, халқ олами латоифларини тозаломокдан аввал бажарадилар.

Кубравийликда 7 латоиф нуқтаси мавжуд бўлиб, улар латоифи ғалабия, латоифи нафсия, латоифи қалбия, латоифи сиррия, латоифи рухия, латоифи ҳафия, латоифи ҳаққия.

Бу латоифнинг биринчиси ғолибия бўлиб, қора ранг билан алоқадорлиги айтилади. У латоифнинг илк нуқтаси сифатида намоён бўларкан, бу органнинг илк Одам Атоси сифатида қаралади. Маълумки, Одам Ато ерда яралган илк инсондир. Ғолибия ҳам туйғуларнинг бошланишидир.

Латоифи нафсия кўк рангда бўлиб, ҳайвон руҳига мос келувчи орган бўлиб, хоҳиш ва истаклар билан кураш майдонини англатади. Рамзий маънода Нух пайғамбарга қиёс қилинишининг сабаби у халқини ислоҳ қилишга

келган вақтда улар шу босқичда эди.

Латоифи қалбия қизил рангда ифодаланади. Бу орган қизил рангда бўлиб, Иброҳим пайғамбарга қиёс қилинади. У ҳақиқий маънода диннинг муқаррар бўлишига эришган киши эди. Яъни, латоифи қалбия шахсни шакллантирувчи орган.

Латоифи сиррия оқ рангли онг органидир. Бу рамзий маънода Мусо образида талқин қилинади. Чунки Мусо инсонияга хос бу онг орқали Яратган билан мулоқотга киришган.

Латоифи рухия сариқ рангда бўлиб, бу босқичда инсон Яратганнинг халифаси вазифасини бажаради. Бу аъзо Довуд пайғамбарга қиёс қилинади.

Латоифи ҳафия қора рангда бўлиб, Исо образида намоён бўлади. Натижада инсон бу босқичда рухий илҳом олади. Исо ҳам айнан шу орқали рухий илҳомга муяссар бўлган.

Латоифи ҳаққия яшил рангда бўлиб, рухий камолот рамзи саналади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) инсоннинг камолот босқичини ифодаловчи охириги босқич тимсолидир.

Таҳонавий ўзининг “Рисолатул катоиф минал латоиф”[4] асарида тасаввуфдаги латоиф ҳақида сўз юритишдан аввал табиб ва мутакаллимларнинг бу борадаги фикрларини баён қилган. Унга кўра, инсон яратилиш нуқтаи назаридан басит ва оддий эмас, балки мураккаб мавжудот эканини таъкидлайди. Табиблар суфийлардан фарқли равишда инсоннинг рухий ҳолати ҳақида деярли сўз юритмайди. Аммо бу нарсани инсонда руҳ мавжуд эмаслигини англатмайди. Мутакаллимлар эса табиблар каби руҳни инсоннинг моддий аъзоларидан бири деб таъриф қилади. Таҳонавий ҳам латоифни бешта деб таърифлайди. У нафсни латоифга киритмайди балки, нафсни ундан ташқари деб билади. Латоифнинг феълларини қайд этаркан, уларни мақсад, таважжух ва тасаввурдир деб келтиради. Чунки феъллар таважжух ва тасаввур билан муштаракдир.

1. нафс – сариқ рангда;
2. қалб – қизил рангда;
3. руҳ – оқ рангда;
4. сир – яшил рангда;
5. ҳафий – кўк рангда;
6. ахфа – қора рангда.

Аҳмад Сирҳиндийга кўра, 10 латоиф нуқтаси мавжуд бўлиб, бештаси олами амрийга, бештаси эса олами халқийга тегишлидир. Биринчи тур

қалб, рух, сир, хафий ва ахфодан иборат бўлиб, жавоҳири ҳамса деб аталади. Иккинчи тур эса нафс, тупрок, сув, олов ва ҳаводан иборат [5].

Нажмиддин Кубро асарларида соликка таъсир кўрсатадиган ўйлар ва тимсоллар – хавотир ҳамда руҳий сезги аъзолари ҳисобланган латоиф мавзусига алоҳида аҳамият беради. Кубронинг энг таниқли асари “Фавоихул жамол”ни муаллифнинг руҳий кундалик дафтари ҳамда тариқат йўлига янги кирганлар учун йўл кўрсатувчи сифатида баҳолаш мумкин. Асарда Кубро сўфийлик йўлидаги шахс кечирадиган барча руҳий ҳолатларни тасвирлаган.

Нажмиддин Кубро руҳоний кечинмалар, нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ “латоиф” назариясини ишлаб чиққан. Бу назарияга кўра, инсон руҳи кўзга кўринмас бир латоиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, рух ва жисм орасидаги бир нарсаси. У шундай нозикки, уни илғаб олиш ҳам мушкул. Суфий айнан шу марказларни яллиғлантириб, ўткирлаштириб бориши ва илғаб олиши даркор. Ана шу “латоиф” инсоннинг илоҳий ҳислатидир. Сўфий риёзатлар, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларнинг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алмашиши тарзида тасаввур қилади. Нажмиддин Кубро назарида нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолати ўзгаришига катта хизмат қилади. Доира – фалак доираларининг айланиши, доғ – дунё тимсоли ва нуқта – ваҳдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни нуқта сари интилади. Нуқта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этиш мумкин [6].

Мурид руҳи ҳаяжон ва ҳайратлар ичида турли рангларга ҳам дучор бўлади. Ҳалиги доира, доғ ва нуқта айланиши ва алмашиши рангларни ҳам қамраб олади. Рухнинг ҳислар босқичидаги тараққиёти қора рангда, кейин кизғиш рангда кечади. Сўнгра яшил ранг кўриниб, илоҳий оламнинг яқинлигидан далолат беради. Шундай қилиб, ранглар сўфийнинг руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаридаги даража – босқичларини билдириб туради. Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашилиб туриши соликнинг аҳволини, шуурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодаб, у ҳали талаввун, яъни ботиний-тафаккурий ўй-кечинмаларининг турли-туманлигини англатади. Рухнинг рангдан рангга кўчиши ривожланишдан нишондир. Ушбу жараён охир оқибатда рангсизлик ҳолатига, яъни тамкинга

олиб келади. “Тамкин” ҳолатига кирган сўфий “талаввун”дан (ранг-барангликдан) қутулиб, ваҳдат оламига қўшилган бўлади [7]. Чунончи, зангори ранг соликнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринади. Бу ҳолатда у шариат доирасида бўлади, мантикий-далилий билишдан тўлиққутулмаган, ҳалиқўнглида дунёвий ҳаваслар майли ҳукмрондир. Бундан кейин тариқат бошланади. Солик қалбида муҳаббат кўзгалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди ва бу сариқ рангга тўғри келади. Қизил рангда соликнинг руҳи вужуддан ажрала бошлагани, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳият оламини англагани маълум қилинади. Аммо бу босқич ҳали ҳирс қутқусидан халос бўлмаган ҳолатдир. Оқ ранг юракнинг покланишига ишорадир ва ундан ҳақиқатни англаш бошланади. Солик ҳақиқат олаmidан хабардор бўлиб, тавҳид ҳолатини бошидан кечиради. Шундан кейин келадиган яшил ранг валийликдан нишона. У сирларнинг сирига, ғайбга ошноликни билдиради ва соликнинг асл моҳиятга етишаётганини ҳам англатиши мумкин. Ушбу ранглар соликнинг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарларини англатган бўлса, олтинчи ранг – қора ранг Аллоҳдан халқ сари сафарини билдириб, “канзул асрор” сирлар хазинасини эгаллашни ва ҳайратга ғарқ бўлишини ифодалайди. Ҳайратдаги руҳ шариатнинг мағзи – ҳикматини қайтадан идрок этиб, қоронғи бир доғ рангига ўралади. Ва, ниҳоят, солик руҳи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кулл даражасини эгаллаган солик бир хиллик ҳолатида мақсадига эришади.

Нажмиддин Кубро ранглар ҳислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унинг фикрича, оқ ранг – исломни, сариқ ранг – имонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – итмиъон (ишонч)ни, кўк ранг – иқон (тўлиқ ишонч)ни, қизил ранг – ирфонни, қора ранг – ҳаяжон (ҳайрат)ни англатган. Солик ўз руҳининг ҳолати ва қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганидан пирини огоҳ этиши, пир муриднинг қайси босқичдалигига қараб, янги вазифалар юклаши керак.

Тасаввудда латоиф назариясининг ишлаб чиқилиши инсон фақат жисмоний оламдан ташкил топмагани, унинг руҳий олами ҳам мавжудлигига далолат қилади. Бу туйғуларнинг ривожланишига аҳамият қаратиш инсоннинг моддий ва маънавий оламининг камолотига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ibnü'l-Arabî, Mu'cemu Istilâhâtî's-Sûfiyye, s.70; Hamdi Efendi, Hasbihalü's-Sâlik fî Akvâli'l-Mesâlik, Âlem Mat., Istanbul 1318, - S.8.
2. Hilmi Ziya Ülken, Tasavvuf Psikolojisi, (1944-1945 Üniversite Serbest Konferanslarından Ayri Basim), Kenan Matbaasi, İstanbul 1946, s.195, -S.194-206.
3. Eşref Ali et-Tehânevî'nin "Risâletü'l-katâif mine'l-letâif" Adlı Risâlesi Bağlamında Letâife Dair Görüşleri. Mesned İlahiyat Araştırmaları Dergisi / The Journal of Mesned of Theological Studies. –S. 358.
4. Eşref Ali Tehânevî, el-İslâmu ve'l-'Aklâniyye, çev. Halil Nûr Alem. –Hindistan: Dârülulûm-i Diyûbend, 2011, -S. 21.
5. İmam-i Rabbani Ahmed Sirhindi, Mektubat-i İmam-i Rabbani, Karaçi 1392/1972, I, 98 (no. 34), -S. 136.
6. <http://dkm.gov.uz/ru/nasledie-nazmiddina-kubro-i-ego-teoria-latoif>
7. Тасаввуфга кириш. Усмонов И., Фахриддинов З. ва бошқ., –Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. –Б 168.

